# Камолот

**«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Кенгашининг саҳифаси**

ТАДБИРЛАР

## Истеъдодларни излаб

**Ўрганиш, интилиш, доимо изланишда бўлиш бугунги кун талаби. Истеъдод эса инсонда мана шу меҳнатлар орқали улғайиб боради. Зеро, истеъдоднинг тўқсон тўққиз фоизи меҳнат деб бежиз айтишмаган. Меҳнат қилиш, интилиш ёшларимизнинг ҳар кунги амалларидан бўлмоғи лозим. Чунки улар орасидан тиришқоқ, ҳаракатчан ва энг муҳими давр талабига мос келажак авлод ворисларини топиш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш эса жамиятимиз олдидаги муҳим мақсадлардандир.**

Ушбу ниятни кўзлаб, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Сергели тумани бўлими кенгаши ходимлари ҳамда туманда фаолият юритувчи маҳалла ёшлари билан ишлаш комиссияси ташаббусида ўтказилган тадбир «Ёш истеъдодларни қидирамиз» деб номланди.

Туманнинг «Учувчилар» маҳалласида ўтказилган ушбу кечада 3 йўналиш-вокал ижроси, мусиқий асбобларда ижро этиш, ҳамда рақс бўйича истеъдодли ёшлар аниқланди.

Шунингдек, ушбу тадбирга ҳомийлик қилган тумандаги 243-корхона касаба уюшмаси вакиллари томонидан ғолибларга аталган совғалар тақдим этилиб, энг яхши ижро соҳибларини яна бир бор қутлашди.

**Озода РАҲМАТОВА**

БУГУННИНГ ЁШЛАРИ

## Камоланинг камоли

**Бугунги кун ёшлари, айниқса олий ўқув юртида таҳсил олаётган йигит-қизлар Ўзбекистон келажагида ўз ўринларини аниқ ва равшан кўра олишади. Ўзларининг эркин ва ўткир ҳур фикрларига эгалар. Биргина шунинг ўзи ҳам таҳсинга лойиқ. Гапимиз исботи билан бўлиши учун бугун шу куннинг қалби қайноқ, фикри ва нигоҳлари тийрак ёшларининг бир вакили билан таништирмоқчимиз. Ўйлаймизки, унинг дунёқараши, мақсад ва ўйлари сизни ҳам бефарқ қўймайди.**

Камола Ҳамидова, Ўзбекистон Давлат юридик институтининг Магистратура маркази «Оммавий ҳуқуқ» йўналиши тингловчиси. Яқингинада «Ўзбекистон Республикаси қонун чиқарувчи ҳокимияти: Олий Мажлиснинг қонунчилик соҳасидаги фаолияти» номли илмий ишини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Очиғи, анчайин мураккаб ва масъулиятли жиддий бўлган илмий ишга қўл урган қизчанинг жасорати кўпчиликни лол қолдирди.

**—Йигирма беш ёшда анча мураккаб илмий ишга қўл урибсиз. Бу сиз учун осон кечмагандир, — сўраймиз Камоладан.**

— Осонлик билан эришилган муваффақият завқи узоқ татимайди. Тўғри, анча изланишимга тўғри келди. Қолаверса кафедрамиз шу йўналишда, дарсликлар етарли, бу борадаги докторлик ишларини ҳам ўрганиб чиқишимга тўғри келди. Оммавий ахборот воситаларидаги мақола ва хабарлар ҳам менга анча қўл келди. Бундан ташқари амалий машғулотларни Олий Мажлисда ўтадим.

Ҳамма ҳам ўз ҳуқуқ ва бурчини тўлароқ билгиси келади. Бундан ташқари, ҳуқуқшунослик кўп йўналишли касб ҳисобланади.

Замондошларимизнинг баъзилари ҳуқуқий онгларини ошириш учун нима қилиш кераклиги, баъзилар энг жузъий ҳуқуқлари, қонун ва қоидаларни ҳам яхши билмайдилар. Ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларига ишлари тушиши билан ўзларини чорасиз қолгандек ҳис қиладилар.

Менимча, аввало мактабданоқ ҳуқуқ дарсларини жиддий ўрганиш керак. Ҳуқуқшунослик фани 9-синфдан, ўсмир деярли шаклланиб бўлганидан кейин киради. Мана физика фанлари 5-синфдан жорий қилинган бўлса, ҳуқуқшунослик ҳам жилла қурса 5-синфдан дарс жадвалига қўйилса, боланинг келажаги ва албатта, жамиятнинг равнақи учун жуда яхши бўларди. Иккинчидан, оммавий ахборот воситалари ҳам бу борадаги эшиттириш ва мақолаларига жиддий нигоҳ билан қарашлари лозим деб ўйлайман.

Дарҳақиқат, бугунги кунда ўрта авлод вакиллари ҳам эркин гапиришга, ўз қарашларини дадил айта олишга ҳаракат қилишяпти. Камола ва унга ўхшаган билимга чанқоқ, изланувчан ёшлар истиқлолнинг буюк неъмати — эркинликни тушунишади ва қадрига етишмоқда. Ёшликнинг ўзи — жасорат, эрк, журъат дегани. Яна шу туйғуларни қўллаб-қувватлаб, ёшларга кенг имкониятлар яратилаётган Ватанимизда яшаш ва ишлаш — энг олий бахт.

Ҳа, Камола Ҳамидованинг орзулари, ниятлари мўл. Истардикки, Камола ва у каби ёшларни изланиш иштиёқи, ёниб яшаш бахти тарк этмасин. Камоланинг камоли яна ҳам гулласин, яшнасин, дея ният қиламиз.

**Юлдуз КАРИМОВА**

АНЖУМАНЛАР

## Фойдали мулоқот

**XXI аср офати бўлмиш гиёвандликка қарши курашиш, ёшларни бу балодан қутқариш, асраш долзарб масаладир. Кишиларни бу борада огоҳликка чақириш ҳам катта аҳамиятга эга.**

Яқинда Яккасарой туман ҳокимлигида туман Маънавият ва маърифат маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Яккасарой туман бўлими кенгаши ҳамкорликларида «Репродуктив ҳуқуқ, репродуктив саломатлик, гиёвандлик ва гиёҳлар» мавзусида ўқув-амалий семинари бўлиб ўтди. Репродуктив Саломатлик бўйича Ўзбекистон Ассоциацияси Тошкент бўлими билан ҳамкорликда уюштирилган ушбу анжуманни ўтказишдан мақсад ёшлар ва ўсмирлар орасида жиноятчилик, қонунбузарлик, гиёвандлик ҳамда диний экстремистик ва террористик оқимларнинг таъсирига тушиб қолиш ҳолатларининг олдини олиш, гиёвандликнинг салбий оқибатлари ва зарари ҳақида ёшларни огоҳлантиришдир.

Семинарда ҳозир бўлган вояга етмаганлар ишлари бўйича туман комиссияси, туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамда «Маҳалла» жамғармаси вакилларига, маҳаллаларнинг ўсмирлар шифокорларига «Янги аср авлоди» нашриёти томонидан чоп этилган «Гиёвандлик нима?», Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими бош бошқармалари ҳамкорликда нашр этган «Билим даргоҳларида вояга етмаганларнинг гиёванд моддаларни қабул қилишининг олдини олиш» деб номланган ўқув қўлланмалари тарқатилди.

Семинар сўнггида ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан жавоб олишди.

**Азиза ИЛҲОМОВА**



Янги ўқув йили ҳам бошланди. Талабалик бахтига мушарраф бўлган, келажагимиз пойдевори ҳисобланмиш зукко, иқтидорли ёшларимиз билим чўққиларини эгаллаша шайлар.

Сергей Любчич олган сурат.

МАЪНАВИЯТ

**«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Бектемир тумани бўлими кенгаши ташаббусида туманнинг бир қанча маҳаллаларида болалар майдончалари, кутубхоналар ташкил этилмоқдаки, бу албатта ёшларимизнинг бўш вақтларини унумли ўтказишга хизмат қилиши табиий.**

## Келажакни кўзлаб

«Зилола», «Миришкор», «Роҳат» маҳаллаларида ташкил этилган кутубхоналарга туманнинг «Маҳалла» жамғармаси бўлими, шунингдек, маҳалла ёшлар билан ишлаш комиссияси вакиллари бош-қош бўлишмоқда.

Шунингдек, ушбу маҳаллаларда ёшларни жиноий йўллардан асраш мақсадида «Жиноятчилик, гиёвандликнинг олдини олиш чора-тадбирлари» мавзуида ўтказилган кечалар ҳам ёшларнинг маънавий онгини оширишни кўзлаб амалга оширилмоқда. Бу борада туман ички ишлар бўлими ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгаши туман бўлими қошида ташкил этилган посбонлар гуруҳи яқиндан ёрдам бермоқда.

— Бундай тадбирларни ўтказишдан мақсад туман жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни ошириш ва ёшларимизнинг бу борада фаоллигини кучайтириш, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими раиси Илҳом Алимов. — Фаоллик, интилиш бор жойда тараққиёт, ўзгариш бўлади, шундай экан, бу йўлда ёшларимиз кучғайрати ватанимиз равнақига муносиб ҳиссадир.

**Орзугул РУСТАМОВА**

ФИКР-ЎЙЛАР

## Ҳамкорлик кучайтирилса...

**Ёшлар — келажагимиз, эртанги кунимиз. Ўз фикрини, дунёқарашини бемалол айта олган ҳар бир йигит-қизга келажагимизни ишонишимиз мумкин. Чунки улар буни бемалол уддалай оладилар. Яқинда бир гуруҳ фаол ёшлар билан суҳбатда бўлдик ва улар фикрини қоғозга туширдик.**

**Комила ҲАБИБУЛЛАЕВА,**

**Мелиорация ва сув хўжалиги коллежи II-курс талабаси:**

— «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ўз олдига жуда улкан мақсадларни қўйиб иш бошлаган. Ёшларнинг энг яқин ҳамкори, таянчига айланиш эса осон иш эмас. Бир неча тадбирлар ўтказилиши билан бунга эришиб бўлмайди. Назаримда «Камолот»чилар бу борада яна бир бора ўйлаб кўрсалар ёмон бўлмасди. Истеъдодли ва қобилиятли ёшларни хорижий мамлакатларда илм олиб, тажриба орттириб келишларига бевосита ёрдам беришлари керак деб ўйлайман.

**Равшан УБАЙДУЛЛАЕВ,**

**Тошкент тўқимачилик институти II-курс талабаси:**

— Ўқув даргоҳларида «Камолот» ўз ўрни, ўз мавқеига эга бўлиб бормоқда. Лекин ишчи-ёшлар ўртасидачи? Айрим корхона ёки ташкилотларга бориб, «Камолот» ҳақида сўрасангиз, елка қисишади. Бу борада ҳам янада кўпроқ ишларни амалга ошириш керак деб ўйлайман.

**Наргиза УСМОНОВА,**

**юридик коллежи талабаси:**

— Ёшларимизнинг «Камолот» атрофида бирикиши камлик қилади, менимча. Бошқа ташкилотлар ҳам «Камолот» билан ҳамкорликда иш олиб бориши лозим. Шундагина иш жараёнида учрайдиган муаммолар ўз ечимини тезроқ топади. Талабалар орасида вилоятлардан келиб ўқиётган ёшлар анчагина. Улар яшаётган ётоқхоналарга ҳам «Камолот» янада кўпроқ эътибор қаратиши лозим. Ёшларимизнинг маънавий етук инсонлар бўлиб вояга етишларида жуда катта меҳнат ва масъулият талаб қилинади.

**Шаҳноза МАҲМУДОВА ёзиб олди.**

## Шарқ дурдоналари

## Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

● Аҳмад Дониш тақдир ва меҳнат ҳақида шундай дейди:

— Агар инсон тақдирга инониб-ишониб меҳнат қилмаса, озиқ-овқат, кийим топиш учун интилмаса, йўқчиликда, камбағалликда ёки бойликда яшаш учун яратилганман деб сафсата сотса, у янглишади. Бундай одам ақлсиздир... Инсон фойдали меҳнат билан шуғулланиши керак. У ўзининг кучи ва ҳаракати билан камол топади.

Киши ўз Ватанини ҳимоя қилсагина, ўз халқи билан бирга бўлсагина у ҳар доим барҳаётдир.

● Абу Райҳон Беруний ташқи ва ички гўзаллик тўғрисида сўзлаб шундай дейди:

— Ташқи гўзаллик, қиёфадаги жамол — булар иккови ҳам ёқимли бўлиши керак, одамлар ўзаро учрашганларида ушбу гўзал жамолни кўришга рағбат қиладилар...Лекин шакли чирой она қорида ато қилинади, уни ўзгартириш ҳеч бир зотнинг қўлидан келмайди

Аммо хулқ-атворга келсак, уни инсоннинг ахлоқ китобларида айтилган йўллар воситасида даволаб, тарбиялаб, гўзал - покиза тутиб ёмон ҳолларга туширмаслик мумкин.

● Қозоқ шоири Абай ялқовлик хусусида шундай дейди:

— Эринчоқлик дунёдаги мавжуд ҳамма нарсанинг душманидир. Танбаллик, ғайратсизлик, журъатсизлик, камбағаллик каби нарсаларнинг ҳаммаси эринчоқликдан келиб чиқади.

Бу хусусда Кайковус айтади:

— Ялқовлик — танни ишдан чиқаришдир... Мажбур этиш билан ўз танингни итоатли қилдир ва уни мақсадга мувофиқ қилиб бўйсунишга ўргат.

● Муҳаммад Заҳирий Самарқандий шундай айтади:

— Модомики, беғамлик ва ношудлик кўрсатилар экан, қулай фурсат қўлдан бериб қўйилади, вақт ўтгандан кейин афсусланиш бемаъни ва бефойдадир.

● Грек файласуфи Демокрит шундай дейди:

— Меъёридан ўтиб кетса, энг ёқимли нарса ҳам энг ёқимсиз бўлиб қолади. Инсонни инсон қилиб етиштирувчи нарса — тарбиядир. Инсонни бахтли қиладиган нарса пул ҳам, жисмоний куч ҳам эмас, балки ҳаққонийлик ва ҳар томонлама доноликдир.

Бирорта ҳам дўсти бўлмаган одам дунёда яшамаса ҳам бўлади.

● Ҳинд донишмандлари дўстлик ҳақида шундай ҳикматларни айтишган:

— Фаровонлик истасанг, бахтли бўлганингда ҳам дўст - ёр орттириб ол. Денгиз тўлиб тошса ҳам дарё сувига муҳтождир.

— Бермоқ ва олмоқ, сир айтмоқ ва эшитмоқ, зиёфатда бўлмоқ ва зиёфат бермоқ — шудир дўстликнинг олти шарти.

— Дўстлар яхшироғи ҳар вақт ҳамдамларни ўз шафқати соясида тутар ва карам эшигини улар юзига очиб қўяр, тилакларини ва ҳожатларини юзага чиқарар.

● Ҳасад ва ҳасадчилар тўғрисида донолар айтади:

— Ҳасадчилар одамларнинг фақат хато қилиб қўйишини пойлайди. Фазилатларини эса кўрмайди. Бундай одамлар баданнинг соғ жойи қолиб, нуқул ярага қўнишни мўлжаллайдиган пашшаларга ўхшайди.

— Ичи қора одам худди душманига азоб бергандай, ҳамма вақт ўзини ўзи азоблайди.

● Абу Али ибн Сино шундай дейди:

— Ҳақиқатни очинглар, тўғри йўлдан юринглар. Бир-бирингиздан билим ўрганиб, камол топишингиз учун дил пардасини очиб ташланглар.

● Абу Райҳон Беруний машҳур «Ҳиндистон» асарида шундай бир ҳикоятни келтиради:

Абу Язид ал Бастомийдан: «Эришган даражангга нима билан эришдинг?» деб сўралганда, у: «Илон ўз пўстидан шилингандек, мен ҳам ўз нафсимдан ажралганман; сўнгра зотимга бундай қарасам мен унинг (яъни ҳақнинг) ўзи бўлиб қолибман», деб жавоб берган.

● Буюк Алишер Навоий яхшилик хусусида шундай дейди:

— Яхшилик қила олмасанг, борий ёмонлик ҳам қилма. Яхшиликни ёмонлиғдин яхшироқ билмасанг, борий ёмонроқ ҳам бўлма. Яхшиликни билмасанг, яхшиларга қўшул, яхшилик теграсида эврула олмасанг, яхшилар теграсида эврул.

***ДОНИШМАНДЛАР ХАЗИНАСИДАН***

Муҳаммад Авфий

# Жавомиъ ул-ҳикоёт

**(Давоми. Боши ўтган сонларда)**

* * *

Бир киши Сулаймон пайғамбарнинг уйига меҳмон бўлиб келди. Сулаймон меҳмоннинг олдига уйида борини, яъни қотган нон билан туз олиб чиқиб қўйди. Меҳмон дастурхондаги қотган нонни кўриб: «Кошки, бир оз пишлоқ ҳам бўлса эди», деди. Сулаймон ирғиб ўрнидан туриб, бозорга борди ва пишлоқ олиб келиб, меҳмоннинг олдига қўйди. Меҳмон нон билан пишлоқни еб бўлгач, «Алҳамдулиллоҳ, хайриятки, худойи таоло менинг қисматимга чидам ва қаноатни ато қилган», деди.

Бу сўзни эшитган Сулаймон: «Агар худонинг берганига қаноат қилганингда, мени бозорга жўнатмаган бўлардинг», деди.

* * *

Ровийнинг келтирилишича, Аҳмад Муҳаммад Бағдодийнинг бир мушуги бор эди. Аҳмад ҳар куни мушукка бир парча гўшт едирарди. Кунлардан бир кун одамлар мушукни кабутархонадан тутиб олдилар ва ўлдириб, терисига сомон тиқиб, кабутархона устига осиб қўйдилар. Иттифоқо, Аҳмад ўша томонга ўтаётиб, кабутархона устида ўз мушугини осилган ҳолда кўрди ва: «Агар ўзингга берилаётган гўштга қаноат қилганингда, бу балолар бошингга тушмаган бўларди, нафс домига тушиб, ўз жонингга ўзинг қасд қилдинг», деди.

Қиссадан мақсад улдирким, токи одамлар нафс балосидан ҳазар қилиб, қаноатни ўзларига дўст тутсинлар.

* * *

Ривоят қилибдурларки, бир ўтакетган бахил ва ҳасадчи бор эди. Унинг қўшниси диёнатли, оққўнгил ва оқил одам эди. Ҳасадчи ўз қўшнисига доим ҳасад қилар ва ундан ранжиб юрарди. Бинобарин, бир амаллаб қўшнисига зарар бериш йўлларини ўйлар ва турли-туман воситалар билан озор етказарди. Аммо ҳасадчининг отган ўқлари ҳамма вақт ҳам нишонга тегавермасди. Мана шундай вақтларда ҳасадчи нима қилишини билмай, армонда юрарди.

Ниҳоят, ҳасадчи бозордан бир қулбачча сотиб олди ва унга зўр илтифотлар кўрсатди. У доим қулбаччасига: «Мен сени ўз мақсадим йўлида парвариш қилаяпман. Менинг бу мақсадимни, иншооллоҳ, сен рўёбга чиқаргайсан», дерди.

Вақт-соати келиб, қулбачча улғайиб, кучга тўлди. Бир кун кечаси ҳасадчи ўз қўшнисининг томига чиқди ва қулни ҳам бирга олиб чиқиб, деди: «Билгил ва огоҳ бўлгилким, мен бу қўшнининг дастидан жонимдан тўйдим. Бир амаллаб қўшнимнинг бошига кулфат тушишини истайман. Аммо орзуим шу дамгача муяссар бўлмади.

Ҳар куни ҳасад ўтидан юрак-бағрим бирён бўлади. Ғам-ғуссадан ҳаётим заҳарланган. То алҳол, мен сени шу мақсадим йўлида парвариш қилдим. Энди шу кеча мана шу томда мени ўлдирасан ва ўлигимни қўшнимнинг томига ташлаб кетасан. Эрталаб одамлар ўлигимни қўшнимнинг томида кўришгач, қўшнимни мени ўлдиришда айблайдилар. Ниҳоят, мол-мулки талон-торож қилиниб, ўзини қамайдилар. Мен сени озод қиламан ва озодлик васиқангни қўлингга бераман. Токи бу шаҳардан чиқиб бошқа шаҳарга бориб маскан қургайсан».

Қул деди: «Эй хожа, ҳеч бир оқил одам бундай ишни қилмайди. Душманинг бахтсизлигини ҳаётлигингда кўриш мақсадга мувофиқдир. Зотан, сен ўлганингдан сўнг душманинг ўлик-тириклигини қаёқдан биласан?»

Қул ҳар қанча гапирса ҳам хожасига мақбул бўлмади. Ниҳоят, қул хожасининг қатъий талабига мувофиқ, қўшнининг томида уни ўлдирди. Ўзи Исфаҳон шаҳрига жўнаб кетди ва ўша ерда истиқомат қила бошлади.

Султон одамлари келиб, қўшнини одам ўлдиришда айблаб, қамоққа олдилар. Гуноҳсиз ҳолда бир неча вақт қамоқда ётди. Султон одамлари у кишининг гуноҳини бўйнига қўя олмасдилар. Чунки у кишини билган одамлар ҳар куни қамоқхонага келиб: «Бу одамдан бундай жиноят асло содир бўлмайди, чунки у бағоят софдил, диёнатли ва яхши хулқли кишидир», деб гувоҳлик берардилар.

Кунлардан бир кун, у кишини танийдиган савдогарлардан бир гуруҳи Исфаҳонга бориб, иттифоқо ҳасадчининг қулини учратиб қолади. Қул савдогарлардан қўшнининг аҳволини сўрайди. Улар қўшнининг бошига тушган фалокатларни батафсил ҳикоя қилдилар. Қул ўз хожасининг кирдикорларини ҳикоя қилиб берди. Савдогарлар ўз шаҳарларига қайтгач, бу ҳақда султон одамларига гувоҳлик бердилар ва у бегуноҳ киши қамоқдан халос бўлди.

Оқилларга маълум бўлгайки, ҳасад ўти ҳасадчи жонини куйдирувчи кушандадир.

**(Давоми бор.)**

**Турғун ФАЙЗИЕВ тайёрлаган.**

***БЎШ ВАҚТИНГИЗДА***

# «Ж» ҳарфли бошқотирма

**«Ёйлар бўйича:** 1. Атоқли саркарда, фашизмга қарши урушда қўмондонлик қилган маршал. 2. XIX аср иккинчи ярми, XX аср бошларида юзага келган маърифатпарварлик ҳаракати намояндаларига берилган ном. 3. Дунё томони. 4. Кўрсатилган мардлик учун сазовор бўлинадиган ватанимизнинг олий нишони. 5. «Сен етим эмассан» фильмида ота сиймосини гавдалантирган устоз санъаткор. 6. Дераза, эшик ва мебель жиҳозларига зийнат бериш учун ишлатиладиган металл қубба. 7. Метро «танга»си. 8. Ўзбек халқига мансуб қабила. 9. Қизалоқ сочи. 10. Уй жиҳози. 11. Ер юзидаги бутун борлиқ. 12. Буғдой нави. 13. Қимматбаҳо тош. 14. Организмнинг сафро ишлаб чиқарувчи аъзоси. 15. Кузпишар, қуруқ мева. 16. Игналар билан қопланган кемирувчи.



**Муаммонома**

**Очқич сўзлар:** 1. Абдулла Қаҳҳор ҳикояси — 14, 15, 5, 3.

2. Юлдуз туркуми — 10, 8, 6, 7, 2, 5.

3. Давлат рамзи — 12, 16, 5, 17.

4. Босқонга ўхшаш дастали асбоб — 13, 14, 19, 1, 11, 19.

5. Моҳир тикувчи — 9, 16, 18, 2, 5.

6. Кўланка — 4, 11, 20.

Энди жавоблар асосида шакл атрофида яширинган муаммономани ҳал этинг. Улардан шоир Сайидо Насафий меросига мансуб икки мисра ҳикматни билиб оласиз.

**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ**

**Газетанинг шу йил 6 сентябрь сонида берилган бошқотирманинг жавоблари:**

**Энига:** 5.Калтаминор. 6.Сайил. 9.Бисот. 11.Қарағай. 19.Фазилат. 21.Чигит. 22.Номоз. 23.Филармония.

**Диагонал бўйича ўнгга:** 3.Мирий. 4.Монография. 9.Банорас. 10.Сабот. 13.Полковник. 15.Чиниқтириш. 16.Кафолат. 17.Ватин.19.Финал.

**Диагонал бўйича чапга:** 1.Шакарқамиш. 2.Отлиқ. 7.Латофат. 12.«Дамас».14.«Шоҳдорхон» 16.Кошин. 17.Ватикан. 18.Физиология. 20.Товоқ.

**Бўйига:** 8.Наққошлик.




Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 8332 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-809. Босмага топшириш вақти 12.00 Топширилди 12.40 1 2 3 4 5 6